

“ТОВАР АЙИРБОШЛАШНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДА ТАНГАЛАР ПАЙДО БЎЛИШИ”.

Азиза Мадалиева

Наманган вилоят маданияти ва тарихи музейи

Табиат булими мудири.

Пул, олтин, қимматбаҳо тошлар... Турли шакл ва кўринишлардаги бойлик дунёдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятни ўзгартирадиган қудрат сифатида ўртага чиққанига кўп йиллар бўлди. Қадриятлар, миллий анъаналар, инсон ҳаёти, маънавияти, одамийлиги, инсоний муносабатлари билан “тўйдириб” бўлмайдиган НАФС минглаб йилдирки фақат бойлик сари интилоқда.

Агар пулга инсон ҳаётидаги муҳим воситалардан бири сифатида қарайдиган бўлсак, у минг йиллар давомида инсонга айирбошлаш воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Узоқ тарихда пул ишлатилмаган даврлар бўлган. Қадимий одамлар истеъмол қилинадиган мева-сабзавотларни териб тўплашган, ҳайвон ва қушларни овлашган, тери ва хас-хашак каби воситалардан кийим сифатида фойдаланишган. Вақтлар ўтиши билан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик алоҳида фаолият турлари сифатида шаклланди. Натижада деҳқоннинг гўшт-сутга, кийим-кечакка, рўзғор буюмларига, чорвадорнинг ёки ҳунарманднинг мева-сабзавот, озиқ-овқат каби қундалик истеъмол маҳсулотларига эҳтиёжларини қондириш керак бўлди ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзаро айирбошлашга ўтдилар.

Кейинчалик туз, чой, қахва, мўйна каби ҳар бир одам фойдаланадиган маҳсулотлар барча нарсаларни айирбошлаш воситасига айланди ва шу тариқа дастлабки савдо-сотик муносабатлари бошланди.

Асрлар ўтиб одамлар эҳтиёжи кенгайди, айирбошланадиган маҳсулот турлари кўпайди. Аммо, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ҳар хил миқдорда меҳнат сарф қилинган ва айирбошлашда меъёрий учинчи ўлчов воситаси зарур эди. Натижада инсон учун фойдаланиш энг қулай бўлган айирбошлаш воситаси – пулнинг яратилиши заруриятга айланди ва метал пул – тангалар пайдо бўлди.

Қадимдан танга пуллар давлат томонидан махсус жойларда зарб этилган. Археологлар илк танганинг милoddан авалги 8-7 асрларда Лидия (Осиё) ва Аргос (Европа) давлатларида пайдо бўлганлигини аниқлаганлар. Олтиндан зарб этилган илк танга “Стартер” деб аталган. Эрон подшоси Доро-1 даврида “Дарик” деб аталувчи танга пули жорий этилган. Бу танганинг ҳар бири 8.4 грамм соф

олтиндан ясалган. Ўзбекистон худудида дастлаб Ерон подшоси Доро-1 томонидан зарб этилган “Дарик” олтин тангаси муомалада бўлган.

Тангалар уни зарб этган давлатнинг номи, подшоҳининг исми, унвони, тамғаси, тахтга ўтирган вақти, ҳукмронлик қилган йиллари, диний эътиқодлар, фан, маданият даражаси, бир давлат тангаси дунёнинг бошқа давлатлари худудидан ҳам топилишига қараб қайси мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб борганлиги, ташқи савдода қайси давлатнинг пули катта рол ўйнаганлиги, қадимги тиллар, ёзувлар, шаҳар ва зарбхоналар номи, қолаверса зарб этилиш усули ҳақида гувоҳлик беради.

Масалан, қадим Лидия подшоҳлигининг танга пули - стартернинг бир томонига югуриб кетаётган тулки тасвири туширилган. Тулки - лидияликларнинг бош худоси - Бассарейнинг рамзий тасвири бўлган ва муқаддас жонивор ҳисобланган. Аргос давлати тангаларида эса тошбақа сурати тасвирланган.

Айрим давлатлар ҳукмдорлари номларини абадийлаштириш мақсадида тангаларига ўз тасвирларини туширганлар. Масалан, Доро-1, македониялик Александр, Рим ҳукмдори Юлий Сезар зарб эттирган тангалар бунинг далилидир.

Замонавий тангаларда ҳам турли рамзларни акс эттириш анъанаси давом этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм 1994 йилнинг 1 июлидан муомалага киритилди. 10, 25 ва 50 сўмлик танга пуллар зарб этилди. Бу тангаларнинг олд қисмига қиймати, орқа томонига “Ўзбекистон Республикаси” ёзуви, давлатимиз герби тасвири туширилган ва зарб этилган йили ёзилган.

Тарихдаги буюк аждодларимиз юбилейлари муносабати билан уларнинг тасвири туширилган танга пуллар ҳам зарб этилган. 1996 йилда буюк Амир Темури юбилейининг 660 йиллиги муносабати билан олтин суви юритилган 100 сўмлик, 2009 йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига атаб 100 сўмлик танга пул чиқарилди.

Ўрта Осиёда пул муомаласи миллоддан аввалги 3-асрда бошланган. 7-аср ўрталари, 8-аср бошларида Туркистонда танга зарб этиш анчайин ривожланди. Хусусан, Фарғона водийсида илк танга 6-асрда пайдо бўлган.

Кейинчалик Сомонийлар тангаси вужудга келди. 10-11 асрлар чегарасида Сомонийлар ўрнини Қорахонийлар эгаллади. Кумуш инқироzi худди шу даврга тўғри келади. Қорахонийлар тангаси Сомонийлар тангасидан ёзувнинг нафислиги, безакларнинг ҳилма-ҳиллиги, сифатлилиги билан ажралиб турган.

7-асрнинг сўнггида Абдумалик Уммавий пул ислоҳоти ўтказиб, мусулмон тангасини зарб қилишга асос солган. Танганинг олд томонида “Ла илаха иллаллох” , орқа томонига “Муҳаммад Аллохнинг расули” ёзувлари битилган.

Мусулмон тангаларининг номланиши у ясалган металлга боғлиқ бўлган. Олтин танга - динор, кумуш танга – дирхам деб юритилган.

Тарихий манбаалардан маълумки, қадимги туркий тилида мўйнаси қиммат жонивор - олмахон “Тийин” деб аталган. Унинг териси натурал айирбошлашда муҳим рол ўйнаганлиги сабабли “Тийин” сўзи кейинчалик пул-қиймат бирлигини кўрсатадиган атама бўлиб қолган. “Танга” сўзи эса қадимги турк тилидаги “Тамға” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳокимлар олтин, кумуш, мисларга ўз тамгаларини акс эттириб муомалага чиқарганлар ва бу пуллар “Тамға-пул” деб юритилган. Кейинроқ “Танга” сўзига айланиб кетган. Рус тилидаги “Деньги” сўзи ҳам “Танга” сўзидан олиган.

Дунёнинг катта ҳудудларида муомалада бўлган тангалар у зарб қилинган давлатнинг халқаро сиёсий ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Жумладан, Амир Темур даврида зарб қилинган тангалар Хуросон, Эрон, Озарбайжон ҳудудларида ва Темурийлар ҳукмронлик қилган қатор марказий шаҳарларда ҳам зарб қилиниб савдо-сотикда асосий муомала воситаси бўлган. Темурийлар тарихи Давлат музейи фондида сақланаётган тангаларнинг таркиби олтин, кумуш ва мисдан иборат бўлиб, Амир Темур ва Темурийлар номи билан зарб қилинган.

16-аср бошларида Темурийлар давлатини Шайбонийлар эгаллади. 16-17-асрлар чегарасида Шайбонийлар ўрнига Аштархонийлар келди. Ҳар икки сулолада ҳам тангалар қиймати бир ҳил бўлди.

18-19-асрларда Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар - Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонликларида олтин, кумуш, мисдан тангалар зарб этилган бўлиб уларнинг катта қисми шўролар даврида ташиб кетилган.

Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган айрим тангалар қадим ўтмишимиз, узоқ тарихимиздан гувоҳлик беради. Қуйида уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз.

МИС ТАНГА



1977 йил 14 март куни Нуритдинов Баҳром томонидан музейга топширилган. Қадимги Хитой тангалари каби ўртасида тўртбурчак тешиги бор.

XII-XIII асрларда Шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси, Еттисув, Ўрта Осиёни эгаллаган Қорахитойлар ҳукмдорлари Хитой тангаларига ўхшаш тарзда зарб эттирганлар. Чингизхон кўшинлари бостириб киргунга қадар бу тангалар муомалада бўлган.

МИС ТАНГА



1959 йил 26 ноябрда Ахсикент (Ахси-1) археологик экспедицияси томонидан топилиб, музейга қабул қилинган. Ушбу танга X-XI асрда Қорахонийлар сулоласининг Элакхонлар (Элнинг оқ хонлари) ҳукмронлиги даврида зарб этилган. Ўша даврда Фарғона водийси ҳам Қорахонийлар ҳукмронлиги остида бўлганлиги учун ушбу тангалар ўлкамизда кенг муомалада бўлган.

МИС ТАНГА



1958 йилнинг май ойида Ахсикент (Ахси-2) археологик экспедицияси томонидан топилиб музей хазинасига топширилган. Темурийлар даврига оид ушбу танга XV аср (1494-1495йиллар) да Самарқандда зарб қилинган. Бу даврда яъни, 1494 йилгача Ахсикентда Умаршайх Мирзо ҳукмронлик қилган. Самарқандда Бойсунғур Мирзо давлатни бошқарган даврда мана шу тангалар муомалада бўлган.

МИС ТАНГА



Тўрақўрғон тумани собиқ “Москва” колхозида яшовчи маҳаллий аҳоли томонидан Ахсикент археологик ёдгорлиги худудидан топилган танга 1971 йил 30 март куни музейга топширилган. IX-X асрларга оид мисдан ясалган бу танга Сомонийлар даврида зарб қилинган. Ундаги ёзувлар арабча куфий услубда битилган.

МИС ТАНГА



Сомонийлар даврида зарб этилган бу танга Ахсикент археологик ёдгорлигидан топилиб 1955 йил 20 январда музейга қабул қилинган. IX-X асрларга оид танга савдо-сотик жараёнида кенг муомалада бўлганлиги сабабли емирилиб, ундаги араб тилининг куфий ёзувлари, рақамлар ва белгилар кўринмай кетган.



МИС ТАНГА

1964 йил 9 май куни музейнинг ўша вақтдаги директори И.Маленьков томонидан келтирилган. XIII-XIV асрларга оид бу танга Чигатой мис тангаси деб аталган. Танганинг ҳажми нисбатан катта бўлишига қарамай, юпқа бўлган. Шунинг учун вақт ўтиши билан синган ва қолган қисми дарз кетган.



МИС ТАНГА

1971 йил 30 март куни музей илмий ходимлари томонидан Ахсикент археологик ёдгорлигидан топилган X асрга оид танга занглаганлиги учун ёзувлари ва белгиларини ўқиш қийин.



МИС ТАНГА

1977 йил 19 августда музейга қабул қилинган. VIII-IX асрларга оид бу танга Сомонийлар даврида Мансур бин Нух томонидан зарб этирилган. Ахсикент археологик ёдгорлигидан топилган тангадан VIII-IX асрлардаги Фарғона ҳақида маълумот олиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзб 1 П.Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак” Тошкент 1998йил
2. Ўзб 1 П.Каримов И.А. “Юксак маънавият энгилмас куч” Ташкент 2008 йил
3. Элизаветин. Г. “Пулнома” Тошкент 1979 йил
4. Пидаев. Ш. “Тангалар давр кўзгуси” Тошкент 1984йил